



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Ғофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташиқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ғолипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


| | |
|--|----|
| 1. Ўктамжон Абдуллаев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МУАММОСИ (1991-2010 ЙИЛЛАР)..... | 4 |
| 2. Собир Абдуназаров ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ..... | 10 |
| 3. Валишер Абиров, Иломиддин Мамаюсупов ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭТНИК ҚАТЛАМЛАРИГА ДОИР..... | 22 |
| 4. Акмал Базарбаев ТУРКИСТОНДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИНИНГ ЕРГА ДОИР СИЁСАТИ (1867-1900 ЙИЛЛАР)..... | 33 |
| 5. Ойбек Исаев СУРХОН ВОҲАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930й)..... | 40 |
| 6. Гулмира Каттаева ЛЯПИС–ЛАЗУРИТ МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ..... | 46 |
| 7. Nargiza Karimova ZIRAVORLAR VA MAHSUS TA’M BERUVCHI VOSITALAR SAVDOSINING RIVOJLANISH TARIXI HAQIDA BA’ZI MASALALAR..... | 54 |
| 8. Дадахон Норқўзиёв МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ..... | 60 |
| 9. Мафтуна Рўзикулова МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА СУҒОРИШ ИНШООТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)..... | 64 |
| 10. Махмуджон Солиев ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА..... | 72 |
| 11. Наргиза Ҳасанова ОНАЛИК – ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИНИНГ УЛКАН МАСЪУЛИЯТИ..... | 76 |
| 12. Махпурат Хуббалиева БУДДА РОҲИБЛАРИНИНГ САЁҲАТНОМАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ: VII – VIII АСРЛАР..... | 85 |

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ойбек Исаев Ахмед ўгли,
Термиз давлат университети
Ўзбекистон тарихи ва
манбашунослик кафедраси ўқитувчиси

СУРХОН ВОХАСИГА ОИД ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1930йй)

For citation: Oybek Isaev Akhmed Ugli, THE ILLUMINATING OF THE EDUCATION ISSUES OF SURKHAN OASIS IN ARCHIVAL DOCUMENTS(1920-1930 YEARS). Look to the past. 2020, vol. 7, issue 3, pp.40-45

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-7-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада келтирилган материаллар 1920-1930 йилларга оид бўлиб, унда Сурхон воҳасидаги таълим тизими жараёнларини тўлиқ ЎзРМДА фонди ҳамда Сурхондарё вилояти давлат архиви туман жорий архив фондлари асосида ўрганилиб, таҳлил қилинди. Унда воҳадаги таълим жараёнларининг ҳолати ва анъанавий мактаб таълимининг бекор қилиниши янги совет мактабларнинг жорий қилиниши ва мактаб қурилиш ишларининг бориши ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: саводсизлик, ўқитувчи, педагоглар билим юрти, мафкура, округ, манбалар, маданий, маблағ, миллий.

Ойбек Исаев Ахмед углу,

преподаватель кафедры истории
Узбекистана и источниковедение

Термезского государственного университета

ОСВЕЩЕНИЕ ПРОБЛЕМ ОБРАЗОВАНИЯ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА В АРХИВНЫХ МАТЕРИАЛАХ (1920-1930 гг)

АННОТАЦИЯ

Материалы, приведенные в данной статье, относятся к 1920-1930 годам, в ней анализированы процессы системы образования Сурханском оазисе на основе фонда УзРЦГА также фондов Государственного Архива Сурхандарьинской области и районного текущего архива. Изложено о внедрении и построении новых советских школ, уничтожая традиционного школьного образования и о состоянии процессов образования оазиса.

Ключевые слова: Безграмотность, учитель, педагогическое училище, идеология, округ, источник, культурные, денежные средства, национальный.

Oybek Isaev Akhmed Ugli,
a teacher Department of the History of Uzbekistan
and source studies Termiz state university

THE ILLUMINATING OF THE EDUCATION ISSUES OF SURKHAN OASIS IN ARCHIVAL DOCUMENTS(1920-1930 YEARS)

ABSTRACT

The materials which were stated in this article is about 1920-1930 and it discusses processes of educational system in Surkhan valley on the basis of data from Uzbek Republic Central State Archive, as well as regional Archive of Surkhandarya province, and Archives of districts. The article reveals clear understanding about how educational affairs went on in the valley, constructions of schools, and liquidation of old traditional schools and establishment of the novel soviet educational school system.

Index Terms: Illiteracy, teacher, soviet, teaching tables, writing Black board, ideology, province, sources, cultural, money, national, pedagogical institutes,

1. Долзарблиги:

Бугунги кундаги ислохотлар моҳиятини англаш учун ўша соҳа босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини чуқур тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, совет даврида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, XX асрнинг 20-30 йиллар воҳа тарихини ўрганишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда амалга оширилган ўзгаришлар, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини совет ҳокимияти ўз қўлига олган ва олиб борилган сиёсат нуқтаи-назаридан талқин этиш зарур. Масалан совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг дастлабки қадам давлатни бошқаришда кадрлар сиёсати масаласи турган шуни ҳисобга олиб, халқ таълимига бўлган талаб ва эҳтиёжни қондиришга ҳаракат бошланган. Мазкур мавзунинг ёритилишида бизга бирламчи манба бўлиб Ўзбекистон республикаси Марказий давлат архиви ҳамда Сурхондарё вилоят давлат архиви туман жорий архив фондлари мазкур мавзунинг ёритилишида асосий ва муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 20-30 йилларида Сурхон воҳаси Бухоро Совет Республикасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қолоқ ҳудуди саналган Сурхон воҳаси учун ачинарли ва оғир кечганлигини янги манбалар ва совет даврида яратилган асарлар орқали унда кечган воқеликларни танқидий ва қиёсий таҳлил асосда ўрганиш мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола тарихини ўрганишда илмий-назарий методологик асосларга таянишнинг амалий аҳамияти жуда катта. Совет ҳокимияти даврида тарихий тадқиқотлар, уни ўқитиш ва ўрганишда бир томонлама марксча-ленинча методологияга бўйсундирилган. Муस्ताқиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, тарихни ўрганишда фактларни таққослаш, мантиқий қиёсий хулосалар чиқариш ва умуман фалсафий тафаккур билан ёндашишни талаб қилиб, ўтмишимизни теран англашга бирламчи восита бўлиб хизмат қилди. Хусусан совет даври тарихини ўрганишда илмийлик, холислик, тарихийлик, ижтимоий ёндашув, ворисийлик, ёзма манбалар, тарихий хотира ҳамда математик таҳлил ҳам алоҳида ёндашув бўлиб хизмат қилади.

Ўша давр нуқтайи назаридан олганда Ўзбекистонда таълим тизими, мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ҳамда уларда таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг ошиб бориши ҳақидаги маълумотлар адабиётларда яхши ва мақтагулик ҳолатда бўлганлигини умумлаштириб кўрсатилган. Лекин биз бу давр билан шуғулланиш вақтида бундай хулосадан чекинган ҳолда ҳақиқий ҳолатни ёритишга ҳаракат қилдик.

3. Тадқиқот натижалари:

1920-1930 йилларда Сурхон воҳасида совет ҳукуматининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий мавқеи мустақамланиб бориши даврида ҳукуматнинг ҳукмрон коммунистик партияси ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзининг мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Айниқса, бу жараён кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланадиган таълим, илм-фан ва маданият соҳасида жиддий тус олди.

Тадқиқ қилинаётган йилларда таълим, илм-фан ва маданий ҳаётдаги барча ишлар сиёсий манфаатларга хизмат қилган. Совет давлатининг мақсади эрқарвар миллий зиёлилар қатламини йўқ қилиш ва халқнинг “саводхонлик” даражасини ўстириш орқали социалистик тузумга содиқ янги зиёли кадрларини шакллантириш ҳамда бюрократик бошқарув тизимини мустақамлашдан иборат бўлган.

1925 йилда таълим тизимида маълум даражада бўлса-да, эски мактаблар фаолиятига руҳсат берилган эди. Аста-секинлик билан совет мактаблари сони ўсиб борди. Қисқа вақт ичида янги мактаблар сони 10 тага етиб, ундаги ўқувчилар сони 597 кишини ташкил этган. Шулардан 260 таси маҳаллий миллат вакилларидан иборат эди[1,134 в.].

Янги совет мактабларини ташкил этиш жараёни тўхтовсиз давом этди. Сурхон воҳасининг Бойсун ва Термиз шаҳрида мактаблар очилиб, уларда кишлоқ деҳқон болалари таҳсил ола бошлади. Воҳанинг шаҳар қисмида 5 та мактаб очилган бўлса, Шеробод туманида 5 та мактаб ташкил қилинган. Термиз шаҳридаги мактаблар сони ўша йилнинг ўзида 16 тага етди, шундан 7 тасида европа миллати вакиллари таълим олар эди.

Кўп ўтмай, воҳадаги мактаблар сони янада кўпайиб, 41 тага етган. Ташкил қилинган мазкур саводсизликни тугатиш мактабларида 41 нафар ўқитувчи иш фаолиятини олиб борган. Воҳа марказидан узоқда жойлашган мактабларда маҳаллий муаллимлар билан биргаликда Совет иттифоқининг марказий шаҳарларидан келган мутахассислар ҳам фаолият юритган. Масалан, Юрчи кўрғонида фаолият юритган ўқитувчилар орасида Иброҳим Юсуфий, Н. Назаровлар билан бирга М.Галиулин ҳам ишлаган. Бундан ташқари, саводсизликни тугатиш мактабларининг ўқитувчилари олий таълим олиш учун Москва ва Тошкент шаҳарларига ўқишга юборилган.

Республика шаҳарларида ўқитувчи кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида педагогика билим юртлири очила бошлади. 1926 йилда Термизда биринчи педагоглар тайёрлайдиган билим юрти очилди[2,Б.29.]. Ушбу таълим масканини очишдан кўзланган мақсад воҳа мактаблари учун бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш эди. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун саводли кадрларга бўлган эҳтиёжни адо этишда мазкур билим юрти ўз ҳиссасини қўша олди.

Қисқа вақт ичида 21 та саводсизликни тугатиш мактаблари ишга туширилиб, уларда 420 нафар ўқувчи таълим олган. Ўқувчиларнинг 30 нафари хотин-қизлардан иборат бўлган. Кўрсатилган мактабларнинг 12 тасида таълим сифати юқори бўлиб, уларда 243 киши таҳсил олган ва ёзги мавсумда ҳам ўқиш давом этган.

Ўз навбатида, ўқитувчилик касбига кўпроқ ёшларни жалб этиш мақсадида уларнинг иш ҳақи ҳам қайта кўриб чиқилган. 1927 йилга келиб, мактаб ўқитувчиларининг ойлик иш ҳақига ўзгартиришлар киритилди, унга кўра кишлоқ ёшларига таълим берадиган ўқитувчининг иш ҳақи шаҳарда ишлайдиган ўқитувчиникига нисбатан баландроқ белгиланган.

Округ ижроқўмининг махсус йиғилишида округдаги педагогика курси ўқитувчилар тайёрлаш учун сафарбар қилинишини Халқ комиссарлиги талаб қилди. Педагогика курсида ўқиган кишилар курсантлар деб аталиб, улар орасидаги муносиб кадрлар Термиз шаҳри халқ таълими тизимига хизматга юборилиши лозим эди[3, 52 в.].

Воҳадаги маҳаллий аҳоли вакилларида педагоглар тайёрлаш масаласи ўша даврда ўта долзарб бўлиб, бу борада округдаги аҳвол бошқа ҳудудларникидан ёмонроқ деб ҳисоблаган раҳбарлар кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилишини совет ҳукумати органларидан тез-тез талаб қилиб турганлар.

1920-1930 йилларда аҳоли орасида кўплаб хотин-қизлар ҳам хат-саводли бўлиб, улар асосан аъъанавий мактабларда таълим олар эдилар. Совет ҳукумати эндигина ташкил топган

даврда ташкил қилинган мактабларда аксарият ҳолларда махсус тайёргарлик кўрмаган, маълумоти йўқ, малакасиз кишилар муаллимлик қилар эдилар. 1926 йилда ЎзССРнинг барча туман ва қишлоқларида саводсизликни тугатиш мактабларининг очилиши билан турли ёшдаги аҳолига мўлжалланган мактаблар ташкил қилиниши назарда тутилди[4,133 в.].

Манбаларда 1926-1927 йилларда Сурхон воҳаси мактабларида аҳвол қониқарсиз эканлиги ҳақидаги кўплаб маълумотлар келтирилган. Ҳатто мактабларнинг ўқув хоналарида фойдаланиш учун парталар, ёзув доскалари умуман йўқ ҳоллари кўп учрар эди[5,153 в.]. Термиз шаҳрига қарашли мактаблардагина аҳвол бирмунча яхши эди, холос. Аксарият мактабларнинг санитария-гигиена ҳолати ҳам талабга жавоб бермас эди.

Совет ҳукуматиға совет мафқураси руҳида тарбияланган кадрлар керак эди. Шунинг учун дастлабки пайтларда мактабларга асосан камбағал аҳолининг фарзандларини жалб этишга ҳаракат қилинган.

Округ ижроқўмининг 1928 йилги йиғилишида саводсизликка барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилди. 1927 йилда 22 та саводсизликни тугатиш мактаблари бўлса, кейинги йилда уларнинг сони 42 тага етди. Бу борадаги аҳвол таҳлил этилиб, саводсизликни тугатиш мактаблари мактаб билан таъминланмаган ҳудудларда очилиши зарур деб топилди. Хусусан, саводсизликни тугатиш хотин-қизлар мактаблари фаолиятиға алоҳида эътибор берилди ва бу борадаги аҳвол яхшиланиб бораётганлиги маълум қилинди[6,10 в.].

1928-1929 ўқув йилида воҳанинг барча туманларида хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш мактаблари очила бошланди. Шунингдек, мактаблар ўқув қуроллари, дарсликлар ҳамда янги адабиётлар билан таъминланган. Воҳа аҳолиси орасида турли миллат вакиллари борлиги эътиборға олиниб, адабиётларнинг ўзбек, рус ва тожик тилларида бўлиши талаб этилган.

Манбаларда Сурхондарё округи тарғиботчилар кенгашининг 1928-1929 ўқув йилиға тайёргарлик масалаларига бағишланган махсус кенгайтирилган мажлиси ҳақидаги маълумотлар берилган. Унда округда мактаб қурилишини жонлантириш, мавжуд мактабларни жорий таъмирдан чиқариш ва бунда давлат маблағи билан бирга, аҳолининг ёрдамидан ҳам фойдаланиш, туманларда ҳар хил миллат вакиллари истиқомат қилишини эътиборға олиб, туркман ва тожик мактаблари жорий қилиш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди[7,82 в.]. Шу асосда Паттакесар туманида туркман мактаби, Бойсун ҳамда Сарносиё туманларида тожик мактаблари ташкил қилинди. Ушбу мактаблар таъминотини давлат ўз зиммасига олди.

Аҳолини турли мутахассисликлар бўйича ўқитиш ишлари кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. 1929 йилда Халқ Комиссарлигининг ер ишлари бўлими республика округларида тракторчилик курсларини ташкил қилишни йўлга қўйди. Андижон округида 11 та, Тошкент шаҳрида эса 7 та шундай курслар очилди. Сурхондарё воҳасида ҳам учта икки ойлик тракторчилик курси ташкил қилинди[8,Б. 342]. 1929 йилда Сурхондарё округи ер бўлими ва округ пахта бошқармаси қишлоқ хўжалигида пахта агротехникаларини ўргатиш мақсадида техникалар курсини ташкил қилиш учун 7500 рубл миқдорида маблағ ажратди. Замонавий тракторларни бошқаришни воҳанинг кўпгина маҳаллий аҳолиси тушунмаслиги эътиборға олиниб, бундай курсларда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишға оид йўл-йўриқлар ўргатилди[9,115 в.].

1930-1931 ўқув йилиға тегишли манбаларда келтирилишича, воҳанинг “Қоракамар”, “Болдир” ва “Мангузар” қишлоқ кенгашларига қарашли бўлган мактаблар жуда ачинарли аҳволда эди. Ушбу қишлоқ мактаблари икки хонадан иборат бўлиб, уларнинг умумий кўриниши оддий қишлоқ камбағалининг уйига ўхшаган, пастгина, пахса лойдан қурилган эди. Қиш мавсумида доимо томидан чакка ўтиб турар, бу ҳолат аксарият қишлоқ мактабларига хос эди.

Кейинчалик воҳанинг узоқ туманларида ҳам мактаб қурилиши ишлари бошлаб юборилди. Денов туманиға қарашли “Сина” ва “Қорлиқ” қишлоқ кенгашларига 119 минг рубл миқдорида маблағ ажратилиб, шундан 79 минг рубли мактаб қурилишиға сарфланди.

Денов тумани марказида маданий-маиший муассасалар учун туман бюджетидан 50 минг рубл миқдориди маблағ ажратилди.

Сурхондарёдаги тожик мактабларининг деярли барчаси тожик тилидаги адабиётлар билан таъминланмаганлиги, миллий мактабларда ҳам бу борада муаммолар кўп эканлигини эътиборга олган округ халқ таълими бўлими, партия ва комсомол ташкилоти республика ҳукуматиغا мурожаат қилиб, ёрдам сўради. Шу билан бирга, Тожикистон автоном республикасига ҳам тожик тилидаги адабиётлар таъминоти борасида мурожаат қилинди[10,57 в.].

Бу пайтда воҳага мажбурий кўчириш ва кулоқ қилиш сиёсати натижасида бир қанча вилоятлардан аҳоли кўчиб кела бошлади. Масалан, биргина Денов туманига Андижон, Фарғона ҳамда Бухоро вилоятларидан кўчиб келганлар сони минг кишини ташкил қилди. Кўчиб келганларнинг фарзандлари учун зудлик билан махсус мактаблар ташкил қилина бошланди. 1930 йилда “Боботоғ”, “Янгиобод”, “Сина” ва “Ҳазарбоғ” қишлоқларида “Ғалаба” колхозида “Куёвсув” ва “Анбарсой” қишлоқларида совет ҳукумати томонидан янги мактаблар ташкил қилинди.

Манбаларда мактаб таълими ишларига бефарқлик билан қараган раҳбарларнинг жазоланганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, 1934-1935 ўқув йилида Бойсун туманидаги таълим тизими ишлари қониқарсиз деб баҳоланган. Туман маориф бўлимига қарашли бир қатор масъул шахслар самарасиз фаолиятлари сабабли ишдан бўшатирилганлар[11,228 в.].

ЎзССР Халқ Комиссарлигининг 1935 йилдаги қарорида барча шаҳар, туман марказлари ҳамда посёлкаларда янги типдаги замонавий мактаблар қурилиши зарурлиги белгиланди. Бундан келиб чиқиб, округнинг марказий шаҳарларида ва посёлкаларида мактаб қурилиши бошланди. Қарорда қурилиш ишлари махсус комиссия томонидан назоратга олиниши таъкидланган эди.

Сурхондарё округ ИҚ йиғилишида 1934-1935 ўқув йилида халқ таълими масаласи кўриб чиқилиб, округнинг барча туман ва қишлоқ кенгашларида мактаб ёшидаги болаларнинг умумий рўйхатини тузиш ва барчасини совет мактабига жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу даврда округда 13.946 нафар мактаб ёшидаги болалар борлиги аниқланди, бунда воҳа маҳаллий аҳолиси ва европа миллати вакилларининг болалари ҳисобга олинди. Воҳанинг умумий аҳолисига нисбатан бу кўрсаткич 28% деб ҳисобланди. Хусусан, Шўрчи ва Шеробод туманларида мактаб ёшидаги болалар сони 1048 нафар эканлиги қайд этилди. Жарқўрғон туманида болаларни мактабга жалб этиш ишлари қониқарсиз деб топилди. Шўрчи туманидаги мактабларда 2-3 синф ўқувчилари учун фақат бир дона китоб борлиги, дарсликларнинг етишмаслиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, мактабларни иситиш учун ёқилғи билан таъминлаш, ўқув жиҳозлари, синф ёзув тахталари таъминоти бўйича бир қатор ишлар амлга оширила бошланди.

Бу пайтда округ бўйича мактаб ўқитувчилари сони 798 нафар бўлиб, шундан 10 нафари олий, 80 нафари ўрта маълумотли эди. 708 нафар ўқитувчилар умуман маълумотга эга эмасди улар мустақил равишда билим олган эдилар.

1937 йилда қишлоқ кенгашлари раисларини қайтадан тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Термиз шаҳрида тўрт ойлик курслар ташкил қилинди. Шунингдек, қишлоқ кенгаши ўринбосарлари ҳам ушбу курсларга жалб этилди[12,71 в.]. Архив ҳужжатларида ташкил қилинган курсларда дарс бериш ишлари яхши олиб борилмаганлиги қад этилган. Колхоз раҳбарларини ўқитиш ишлари маълум бир тизим, режа асосида эмас, палпартиш тарзда олиб борилган.

Кўп ҳолларда ташкил қилинган курсларни назорат қилувчи органлар фаолияти тўғри йўлга қўйилмаганлиги, давлат мулкани талон-тарож қилиниши каби салбий ҳолатлар ҳам аниқланди. Шундай ҳолатлардан бири Термиз шаҳридаги педагоглар тайёрлаш билим юртида рўй бериб, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ўтилмаган дарс соатлари учун ўтмасдан маош олган.

4.Хулоса:

Ўтган асрнинг 1920-1930 йилларида Сурхон воҳасида таълим тизимини шакллантириш борасида анчагина ишлар қилинган ва бу борада зиддиятли жараёнлар ҳам кўп бўлган эди. Маҳаллий аҳоли таълим олган анъанавий мактабларни совет ҳукумати мутлақо эскилик сарқити деб қаради ва барчани шунга ишонтиришга даъват этди. Воҳада биринчи галда янги типдаги замонавий мактабларни ташкил қилиш билан бирга, анъанавий мактабларни бутунлай йўқ қилишга ҳаракат қилинди. Анъанавий мактабларга эскилик сарқити сифатида қаралиши халқнинг бой маънавий меросини аста-секинлик билан йўқ қилишга уринишнинг бир кўриниши эди.

Айтиб ўтиш керакки, совет ҳукумати ташкил қилган дастлабки мактаблар ҳам яхши натижа бермади. Таълим соҳасида муаммолар кўп бўлиб, биринчи ўринда кадрлар масаласи турар эди. Мактабларни барпо этишда сармоя камлик қиларди ташкил қилинган мактабларда ўқув қуроллари ва дарсликлар мутлақо етишмас эди.

Совет ҳукумати халқ таълимини ривожлантиришга ҳаракат қилар экан, энг аввало воҳа иқтисодиётини йўлга қўйиш учун кадрларга бўлган эҳтиёжни бажаришда бор имкониятларини сарфлади. Турли соҳаларга малакали кадрлар билан таъминлашга бўлган эҳтиёжикондириш мақсадида Термиз шаҳрида кўпгина ишлаб чиқаришга ихтисослашган курслар ташкил қилинишига олиб келди, бироқ уларда таълим ҳолати кўнгилдагидек бўлмади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. ЎМА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 2323-иш.134-варақ. (О'МА, R-86-fond, List № 1, Work № 2323. Page № 134).
2. Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области (қисқача справочник). – Т.: Ўзбекистон, 1970. – Б. 29. (Bichkov D., Blinnikov A. Surxondaryo oblasti (qisqacha spravochnik). – Т.: О'zbekiston, 1970. – В. 29).
3. ЎМА 837-жамғарма, 3-рўйхат, 382-иш. 52-варақ. (О'МА, 837-fond, List № 3, Work № 382. Page № 228).
4. ЎМА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3397-иш. 133-варақ. (О'МА, R-86-fond, List № 1, Work № 3397. Page № 133).
5. ЎМА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 3088-иш. 153-варақ. (О'МА, R-86-fond, List № 1, Work № 3088. Page № 153).
6. Сурхондарё вилояти давлат архиви Денов тумани бўлими, 6-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш. 10-варақ. (Denov district department of the State Archive of Surkhondaryu region, P-6-fond, List № 1, Work № 8. Page № 10).
7. Сурхондарё вилояти давлат архиви 89-жамғарма, 1-рўйхат, 136-иш. 82-варақ. (The State Archive of Surkhondaryu region.89-fond, List № 1, Work № 136. Page № 82).
8. Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925-1929 гг). – Т.: Фан, 1969. – С. 342. (Aminova R.X. Agrarnie preobrazovaniya v Uzbekistane nakanune sploshnoy kollektivizatsii (1925-1929 gg). – Т.: Fan, 1969. – S. 342).
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви 91-жамғарма, 1-рўйхат, 56-иш. 115-варақ. (The State Archive of Surkhondaryu region. 91-fond, List № 1, Work № 56. Page № 115).
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви 89-жамғарма, 1-рўйхат, 80-иш. 57-варақ. (The State Archive of Surkhondaryu region. 89-fond, List № 1, Work № 80. Page № 57).
11. ЎМА, Р-86-жамғарма, 10-рўйхат, 484-иш, 228 варақ. (О'МА, R-86-fond, List № 10, Work № 484. Page № 228).
12. ЎМА, Р-86-жамғарма, 1-рўйхат, 1617-иш, 71-варақ. (О'МА, R-86-fond, List № 1, Work № 1617. Page № 71).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000